

Ғийбат нималигини биласизми? | Сийрат дарслари (349-дарс)



19:00 / 10.10.2025 1512

763. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлардан кимда-ким ғазабланса, тик турган бўлса, ўтириб олсин, ғазаби кетса - кетди, бўлмаса, ёнбошласин»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

764. Сулаймон ибн Сурад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида сўкишиб қолди. Иккисидан бирининг кўзлари қизариб, томирлари бўртиб чиқа бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар уни**

айтса, ундаги бу нарсани кетадиган калимани биламан. Бу «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»дир», дедилар. Шунда у: «Менда жиннилик бор деб ўйлайсанми?» деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

765. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир киши: «Менга тавсия қилинг», деди. **«Ғазабланма!»** дедилар. У бир неча бор такрорлади. У зот (ҳар гал): **«Ғазабланма!»** дедилар.

Бухорий ривоят қилган.

766. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни: **«Ғийбат нималигини биласизларми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи» дейишди. **«Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг»,** дедилар. «Биродаримда мен айтган нарса бор бўлса-чи, бунга нима дейсиз?» дейишди. **«Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўхтон қилган бўласан»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

767. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Чақимчи жаннатга кирмайди»,** деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.